



Аникроги, бу чивин ўзи билан ўта юкумли ва огир касаллик — Гарбий Нил безгаги вирусини олиб келган ва бу хасталик енгилмас саркардани хаётдан олиб кетган экан. Америкалик тадқиқотчилар — Виржиния штати соғлиқни сақлаш департаменти эпидемиологи Джон Марр ва Колорадо штати университетининг юкумли касалликлар бўйича мутахассиси Чарльз Кэлишер шунга каттик ишонишмоқда. Улар бу фаразларини юкумли касалликларга бағишланган «Emerging Infectious Disaeses» ахборотномаси саҳифаларида илмий жихатдан асослаб беришган. Майли, бу масалага хали қайтамыз, ҳозирча эса империянинг таназзулига сабаб бўлган ўша ўлим тафсилотларига тўхталсак.

Ўшандан бери ўтган деярли икки ярим минг йиллик муддат ичида буюк саркарда тўғрисида юзлаб, ҳатто минглаб китоблар ёзилган. Бу масалага бағишланган барча жиддий тадқиқотлар антик давр тарихчиларининг ёзиб қолдирган асарларига суяниб олиб борилган. Ўша қадимий тарихчилар эса Александр саройи қундаликларидан ва

унинг лашкарбошилари китобларидан фойдаланиш ҳукуки ва имкониятига эга эдилар. Аммо бу кўхна кундалик ва солномалар илк манбалар бизгача етиб келмаган. Мазкур тарихнавислар — биринчи навбатда куйидагилар эди: Квинт Энний Флавий Арриан (тахминан эрамизнинг 95-175 йилларида яшаган), Плутарх (тахминан 45-127 йиллар) ва Диодор Сицилийский (тахминан эрамиздан аввалги 90-21 йиллар). Уларнинг учаласи ҳам Афина ҳокими Гегесий томонидан уюштирилган 114-олимпиада ўйинлари даврида — Десий ойида бўлиб ўтган воқеаларни деярли бир хил тарзда тасвирлашган. Бу кўрсатилган вақтхозирги ҳисоб бўйича эрамиздан аввалги 323 йил май ойининг охирилари, июннинг бош-ларида тўғри келиб, ўшанда касаллик мағлубият нималигини билмас Александрнинг ҳаётини икки ҳафтадаёқ поёнига етказиб қўйганди.

Безгак умуман кутилмаганда бошланди: бу пайтда Бобилда шохона зиёфат авжида бўлиб, бир неча кундан сўнг Искандарнинг қўшини Арабистон оркали Гарбга юриш бошлаши режалаштирилганди. Шу мақсадда Ўрта Ер денгизи соҳилларидаги провинцияларда сон-саноксиз кемалар Италия, Сицилия, Иберия ва Африкани забот этиш учун жанговар сафарга тайёрлаб қўйилганди. Бобилда жойлашган флот эса Африкани жанубдан айланиб ўтиб, Геркулес устунлари оркали Ўрта Ер денгизига кириб келиб, Карфагенга гарбдан хужум қилиши керак эди. Кўхна тарих бунчалик катта ҳарбий амалиётга гувоҳ бўлмаган; замонамизнинг йирик тарихчиларидан сэр Арнольд Тойнби ўзининг «Ўшанда Александр ўлмаганида эди...» деб номланувчи хикоясида шунга ишонч ҳосил қиладики, Ўрта Ер денгизи хавзаларини забот этиб бўлгач, у Хиндистон фатҳини ҳам тугатиб, ўз империясига Хитойни ҳам қўшиб олган бўларди. Ахир, ўшанда у ҳали 32 ёшда эдида.

Хулласи калом, ҳолдан тойдирувчи безгакнинг биринчи хуружидан кейин навбатдагилари бостириб кела бошлади. «Касаллик зўрайди; табибларни чақиришди, лекин Ҳеч ким ҳеч бир восита билан ёрдам бера олма-ди», дея ёзади Диодор. Ҳарбий сафар буйруғи бекор қилинди. «У саркардаларини танирди, аммо уларга ҳеч нарса деёлмасди; аллақачон унинг овози чикмай қолганди», дея таъкидлайди Арриан. «Дастлаб, унинг захарланганига ҳеч ким шубҳа қилмаганди», дея гувоҳлик беради Плутарх.

Александрии текширган табибларнинг барчаси ўша пайтда унга факат безгак ташҳисини қўя олишган. Ярим олам ҳукмдори бўлмиш бу жаҳонгирнинг ичадиган шаробига зиёфатда захар қўшиб берилганлиги, бу ишга гўёки унинг устози Аристотель (Арасту) ҳам аралашганлиги ҳақидаги гап-сўзлар эса орадан олти йил ўтгачина пайдо бўлган. Бу «миш-миш»лар туфайли кўпчиликни қатл этишган (файласуф Арасту шогирди ўлимидан бир йил ўтиб вафот этганди). Захарланиш тўғрисида ёзаркан, Арриан шундай дейди: «Мен буларни билганим учунгина ёзаяман, бу хабарга ишонганим учун эмас». Плутарх ҳам бунга ишора қилган: «Захарлаш воқеасини кўпчилик уйдирма деб ҳисоблайди». Захарларнинг айрим турларигина тана ҳароратининг ошишига сабаб бўлади, узок муддатли безгак келтирувчи захарлар эса ўша пайтларда маълум бўлмаган, дея изоҳ беришади Марр ва Кэлишер юқумли касалликлар ахборотномасида:

Ўша пайтдаги манбаларда Александрнинг ўзи ҳақида ёзиб қолдирилган маълумотларга таянган кейинги айрим мутахассислар унинг тиф (ичтерлама)га чалинганлигини тахмин

килишади, бироқ, тадқиқотчиларнинг кўрсатишларича, бу касаллик ўта юқумли; унинг Бобилда кенг тарқалганлиги хақида сарой йилномачилари ҳеч нима ёзиб қолдирмаганлар. Марр ва Кэлишер шунга асосланиб, грипп, малярия, шистосоматоз, туляремия, энцефалит, эндокардит каби бир қатор касалликлар тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмаслигини келтиришади.

Шу пайтгача аввалги тадқиқотчиларнинг эътиборидан четда қолиб кетган Плутархнинг куйидаги қайдлари янги версия муаллифларининг диққатини ўзига жалб этди: «Шахарнинг (Бобилнинг) дарвозаси олдида келиб, у қаргалар тўдасини кўрди; улар ҳар томонга учишар ва бир-бирларини чўкишарди. Бир нечта қуш унинг ёнига тушди». Айнан мана шу икки жумла туфайли тадқиқотчилар Гарбий Нил безгаги хақида ўйлаб қолишди. Чунки бу юқумли касаллик нафакат инсонларга, балки қушлар, айникса, қаргалар тўдасига ҳам ҳужум қилади.

Тиббиётчилар ўз тахминларини ГИДЕОН (GIDEON — умумжаҳон юқумли касалликлар ва диагностика тармоғи) номи электрон ташхис дастурида текшириб кўришди. «Биз Александрдаги барча симптомларни киритиб, қушлар тўғрисидаги маълумотларни ҳам қўшганимизда жавоб юз фоиз Гарбий Нил безгаги касаллигини тасдиқлади», — дейди Кэлишер «Nature» журнаliga берган интервьюсида. Бунгача Александр ўлимини текширган олимларнинг бу касалликни аниқлай олмаганларининг сабаби оддий: Гарбий Нил безгаги касаллиги 1999 йилда, тасодифан АҚШ ҳудудларига келиб қолгандан кейингина жаҳонга маълум бўлган. Ўтган йилнинг ўзида бу касаллик вируси 240 нафар америкаликни ҳаётдан олиб кетди, бу безгакка чалинганлар сони эса, мамлакат Соғлиқни сақлаш вазирлиғи берган маълумотга кўра, 9000 нафарга яқинлашади.

Мазкур касаллик Осиё ва Африканинг кўплаб мамлакатларида аввалдан тарқалиб турган, бироқ 1937 йилга келибгина Угандада унинг тавсифи ишлаб чиқилган. Ироқдаги чивинларнинг уч тури ушбу вирус ташувчилари ҳисобланади. Бу касаллик уч кундан то уч ҳафтагача давом этиши мумкин, унинг инкубацион даври ҳам ҳудди шундай. Дарвоқе, Арриан берган маълумотга кўра, Мидиядан Бобилга қайтган Александр қўлларда «кемани ўзи бошқарган ҳолда» сузган. Мазкур қўллар атрофидаги боткокликлар эса вирус ташувчи чивинларнинг кўпайиш жойи ҳисобланади. Безгак одатда факат организми нимжонланиб қолган кишиларнигина ўлимга олиб келиши мумкин. Аммо илгари ҳам ичишни қанда қилмай келаётган ёш подшо ўз умрининг кейинги ойларида шароб ичишда меъёрдан умуман чиқиб кетганди; мунтазам шаробхўрлик эса нафакат жангу жадалларда чарчаган, балки одатий юмушлар билан банд бўлган кишининг ҳам баданини толиктириб қўяди.

Албатта, бошқаларнинг сўзига ишонган ҳолда аниқ ташхис қўйиш унчалик тўғри эмас. «Аммо Марр ва Кэлишернинг тахминлари жуда мантикли ва ишонарли кўринади», дейди Род-Айленд университети эпидемиолоғи Томас Мейтер «Nature» мухбирига.

Шоҳнинг ўлиmidан сўнг унинг саккиз нафар кўмондони (диадохлари) империяни ўзаро тақсимлаб олишди. Александр ўзини Мисрнинг Сива воҳасидаги илоҳ Амон Ра эҳромига дафн этишларини хоҳлаганди. Аммо Мисрга эга чиққан Птолемей ўз пойтахти Александрияда унга мавзолей қурдирди. Макбара мазкур шаҳарга асос солган,

маъбудлар билан тенг тутилган ҳукмдорга муносиб тарзда қойилмаком қилиб қурилган. Кейинчалик зиёрат қилган Юлий Цезарь бу макбарага қимматбаҳо тухфалар бахш этган. Император Август Александрнинг бошига тилла гулчамбар қўйдирган. Император Калигула бўлса, аксинча, подшонинг қўқрак беаганини ўзлаштириб олиб, тантанали маросимларда уни тақиб юрган. Бу макбарага Рим императорларидан сўнги бора эраизнинг 215 йилида Каракалла ташриф буюриб, ўзининг шохона тўни ва қимматбаҳо безакларини ҳадя этган.

Шундан кейин бу макбара тўғрисида ишонарли маълумот учрамайди. 392 йилда Византия империясида христианлик давлат дини даражасига қўтарилгач, Александрияда ҳам эски динларга мансуб ибодатхона ва меъморий ёдгорликлар йўқ қилина бошлади. Қўпчилик тарихчиларнинг фикрига қўра, 397 йилда Александрнинг макбараси ҳам бузиб ташланган, бироқ бу факни тасдиқловчи ҳужжатлар йўқ. Афсоналардан бирида айтилишича, Македонскийнинг мумиёланган жасади солинган тобут Александриядан махфий олиб кетилиб, яшириб қўйилган. Уни қидириш ишлари эса асрлардан бери давом этмоқда. Ўтган асрнинг ўзида унинг қабрини топиш учун расмий тарзда 150 га яқин илмий экспедиция ташкил этилган. 1805 йилдан бери етти бора, жумладан, 1990-йилларда ҳам икки марта унинг топилганлиги эълон қилинди. Аммо Александрнинг тобути ҳозиргача топилган эмас.

Ҳамид ОГА таржимаси
"Парвона" газетасидан